ҚОЗОҒИСТОН СУРГУНИДАГИ ЭСКИ ҚИШЛОҚЛИК БИР ОИЛА ТАҚДИРИ

Бахтиёр Расулов, Манзурахон Акбарова

В статье на примере семьи Хамракуловых из села Эскикишлак освещена жизнь и быт ссыльных узбекских семей в Казахстане.

In clause on an example of family Hamrakulov from village Iski kishlak the life and life of the exiled of the Uzbek families in Kazakhstan is covered.

XX асрда инсоният ўз тарихида мисли кўрилмаган фожиавий воқеа ва ҳодисаларни бошидан кечирди. “Қизил империянинг” тоталитаризм, маъмурий буйруқбозлик ва зўравонлик ғояларига таянган қатағон сиёсати ўзбек қишлоқларини ҳам ўз гирдобига тортди. Бу сиёсат оқибатида ўзбек қишлоқларининг коммунистик мафкурани қабул қилмаган имон-эътиқодли, ишбилармон, тадбиркор кишилари, миришкор деҳқонлари мол-мулкидан, уй-жойи ва ота маконидан маҳрум қилинди. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини очиқ ҳимоя қилишга ботинганлар отиб ташланди ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Хайрихоҳлик билдирмаганлар ватандан йироққа сургун қилинди.

Шундай оилалардан бири Андижон вилояти Избоскан туманининг Эскиқишлоқ қишлоғидан Ҳамроқуловлар (аслида Ҳамроалиев) хонадонидир. Бу оиланинг бошлиғи Абдулғаффор ҳожи ота эди. Авлодларининг хотирлашларича “Абдулғаффор ҳожи ота қишлоқнинг энг катта устазодаларидан бўлиб, нафақат ўз қишлоғи, балки яқин атрофдаги қишлоқларни ҳам “қўқон арава”, омоч, омоч бўйинтуруғи ва бошқа деҳқончилик асбоблари билан таъминлаб турган”. Унинг Ҳамроали, Ботирали, Қўшоқали исмли уч ўғли қишлоқнинг энг нуфузли деҳқонларидан бўлганлар.

Октябрь тўнтаришидан кейин бошланган давр талотўплари Абдулғаффор ота хонадонига бирин-кетин кулфатлар келтира бошлади. Ўзбек қишлоқларида ўтказилган ер-сув ислоҳоти даврида уларга қарашли ерларининг бир қисми тортиб олинди. 1929 йилнинг кеч кузидан ўзбек қишлоқларида ҳам ёппасига коллективлаштириш бошланди. Бунга кўнмаган ва қарши чиққан Ҳамроали, Ботирали ва Қўшоқалилар ОГПУ томонидан қамоққа олинган: Ҳамроалининг 8 нафар, Ботиралининг 3 нафар, Қўшоқалининг 2 нафар фарзанди чирқираб қолган. Уларнинг ичида Ҳамроалидан бошқаларнинг кейинги тақдири ҳали-ҳануз ноъмалумлигича қолмоқда.

Оиланинг фожиаси бу билан тугамади, аксинча, 1933 йилнинг баҳори Ҳамроалининг оиласи бошига янги кулфатлар келтирди. Бу кулфатларнинг бош сабабчиси Совет тоталитар режими бўлиб, оиланинг кейинги тақдири қишлоқдан ўта олисда бўлган “қизил империя” пойтахтида ҳал қилинган.

ОГПУнинг 1933 йилнинг 17 мартида чиқарилган № 2206-сонли директивасида Қозоғистонга 3-тоифали “қулоқ оилалари”ни кўчириш назарда тутилган. 1933 йилнинг 22 майида қабул қилинган ОГПУ режасига кўра, илгари якка тартибда ҳибсга олинган ўртаосиёлик 3000 кишини июнь ойининг 1-2-декадаларида Қозоғистондаги махсус посёлкаларга келтирилган. Уларнинг вазифаси кўчириб келтириладиган оилалари учун бошпана тайёрлаш бўлган. Бу маҳбуслар ичида эскиқишлоқлик Абдулғаффор ҳожининг катта ўғли Ҳамроали ҳам бўлган.

Ҳамроалининг Эски қишлоқда қолган хотини Ойимқиз опа, фарзандлари — Низомиддин, Абдулҳамид, Абдупатто, Холисхон, катта келини Зебохонларнинг бошига сургун азоби тушган.

Расмий ҳужжатларда Ўзбекистондан Шимолий Қозоғистонга 1933 йилнинг 15–20 июлида 2500 кишидан иборат 500 хўжалик сургун қилингани қайд қилинади[2;272-273]. Сургун қилинганлар орасида эскиқишлоқлик Абдулғаффор ҳожининг невaралари — Ҳамроалининг хотини ва фарзандларидан Низомиддин (хотини Зебохон ва 4 яшар қизи Турсуной билан), 15 ёшли Абдулҳамид, 13 ёшли Абдупатто ва 7 ёшли қизи Холисхонлар ҳам бўлган. Қизлари Иноятхон, Ибодатхон ва Шаҳрибонулар қишлоқ совети котиби,

колхоз аъзоларига турмушга чиққанликлари учун сургундан омон қолганлар. Кенжа қизи Саодатхон эса ўша кунлари касал бўлгани учун қолдирилган. “Ҳукуматнинг одамлари Саодатхонни ўзимиз даволаб, орқаларингдан жўнатамиз, деб олиб қолишган. Аммо, синглимни даволашмаган экан. Биз кетгандан кейин 2 ё 3 ой ўтиб нобуд бўлган экан”, – деб эслайди Абдупатто ота. Хонадон бошлиғи Абдулғаффор ҳожи ота уч ўғлининг орқасидан катта келини ва неваралари ҳам сургун қилинаётганини кўриб, мунғайиб қараб қолаберган. Бу вақтда у 90 ёшдан ошган нуроний бўлган.

Сургунни амалга ошириш 1933 йил июль ойининг дастлабки кунларида бошланган. Избоскан районига юборилган вакил бошчилигидаги сиёсий гуруҳ Эскиқишлоққа келиб, Файзулла Хўжаев номидаги колхозда йиғилиш ўтказган. Йиғилишда Ҳамроалининг ҳовлиси ва ерларида қарол бўлиб ишлаганлар: “Ҳамроалининг уйида хотинларимиз кирини ювган, ўзимиз молини боққанмиз, ерини ҳайдаганмиз. Унинг ишини ўғиллари давом эттиряпди”,– деб гувоҳликка ўтишган. Сиёсий гуруҳ Ҳамроалининг оила аъзоларини “киши кучидан фойдаланганлик” айби билан Қозоғистонга сургун қилишга қарор қилган.

Сиёсий гуруҳ Абдулғаффор ҳожи хонадонига келган кунни Абдупатто ота шундай эслайди: “ Ўша куни бутун хонадонимиз тўпланиб бир уйда эдик. Мол-мулкимизнинг барини ташқарига опчиқиб қўйганмиз. Чунки қишлоқда “ҳўкиматни одамлари ташқаридаги нарсаларга тегмас экан, уйнинг ичидаги нарсаларни йиғиштириб кетяптийкан” деган гап тарқалганди. Оталаримиз бунга ишониб уйнинг ичида ҳеч нарса қолдиришмаган. Аммо бизникига кирган одамлар ташқаридаги ҳамма нарсамизни тортиб олиб, уйнинг ичига кирмаганлар. Барибир у ерда ҳеч вақо қолмаганди. Катта акам Низомиддин, келин аям Зебохон, Абдулҳамид акам, мен ва синглим Холисхонни қўқон аравага ўтқазишди. Ўшанда мен 13 яшар бола эдим. Аравада бизни Андижонга олиб кетишди. Қишлоқдан чиқиб кетаётганимизда араванинг орқасидан комсомол ва ҳар хил активлар “Йўқолсин қулоқлар”, “Битсин бойлар” деб анчагача бақир-чақир қилиб келишган. Мен акам Абдулҳамид билан араванинг орқасида бошимизни ерга эгволиб, “оғзингга лой” деб кетаверганмиз. Ўшаларнинг кўпи кейинчалик хор-зор бўлишган. Уруш йиллари оч-юпун, ялангоёқ ҳовлимизга тиланиб киришган. Шундаям уларга қўлдан келганча ёрдам берганмиз. Аравада Андижон темир йўл вокзалига олиб боришди. Унда “Харьков” дейиларди. Ҳозир иккинчи Андижон вокзали дейилади. У ердан бизни юк ташийдиган қизил вагонларга чиқаришди. Қизил вагонда узоқ юрдик, худди дунёнинг нариги чеккасига олиб кетаётгандек бўлди. Поезд кўп тўхтарди. Ҳар тўхтганда, ҳар қаёқдан одамлар чиқарилди. Бир вагонни тўлдириб, кейин бошқасини тўлдиришди. Вагоннинг ичига ким тўшак, ким шолча солиб ўтирди. Биз ўзимиз билан ҳеч нарса олмаганмиз, ҳамма нарсамизни колхозга тортиб олишган. Аммо вагонда қорнимизни оч қўйишмади. Уч маҳал иссиқ овқат бериб боқиб кетди. Бир вақт Акмола деган жойда тушириб, ўрисни кўтан араваси — 4 ғилдиракли бричкага ўтқазиб 30 – точкага олиб боришди. Қоқ чўлнинг ўртаси, ҳаммаёқ теп–теккис, шамол чийиллаб туради. Посёлка қилиб қатор уйлар қуриб қўйган экан. Ўшаларга жойлашдик. Чўл бўлса ҳам, электр бор. Сув йўқ, уни насосда чиқаришади. Ҳар ер-ҳар ерда насосда тортиб кўл қилиб қўйишган”.

Архив ҳужжатлари 1933 йил 15—20 июль кунлари йўлга чиққан эшелонлар Қарағанда областининг Акмолинск районидаги Шартанди станциясига туширилгани ҳақида далолат беради. Бундан ташқари, июнь ойида Шартандига 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга ҳукм қилинган эркаклар келтирилган бўлиб, мақсад уларни оилалари билан бирлаштириш эди. Шу мақсадда махсус посёлкаларга ОГПУнинг тил биладиган оператив ходимлари юборилган[2;475]. Бу жараённи Абдупатто ота қуйидагича эслайди: “Отам Ҳамроалининг тақдирини ўша ерда билдик. Бизни Қозоғистонга олиб боришларидан аввал отамларни у ерга юбориб, бизларга уй қурдирган экан. Афсуски, отам у ерда бахтсиз воқеа туфайли бевақт ҳалок бўлибди. Бизга кейин унинг кийимларини

кўрсатишган. Онамиз Ойимқиз буви илмли инсон, “отинча биби” эдилар. Ўша жойда аза очган. Онамиз ҳақида гапирсам, уни илмли бўлгани учун ҳамма ҳурмат қилган. Айниқса, қозоқ аёллар “ўзбекни мўлдаси”, яъни мулласи деб жуда яхши кўришарди. 1936 йилда Ойимқиз онам вафот этганларида, қозоқлар уни посёлкадаги қабристонга кўмдирмасдан ўзларининг овулидаги мусулмон мозорига олиб бориб кўмишган. Низомиддин акам ҳам эскича илмли, қори эди. Қизи Турсунойдан ташқари Икромиддин, Иқболиддин, Раисиддин исмли ўғиллари турмаган, 1942 йилда Қозоғистонда туғилган қизига Турғуной деб исм қўйган. 1945 йилда Шоҳимардон туғилган. Унинг исми аввал Қодиржон бўлган. Ёшлигида кўзи ишиб, ёмон касал бўлган. Шунда қозоқ кампирнинг гапи билан қулоғига Шоҳимардон деб азон чақиргандан кейин тузалган”.

Архив ҳужжатларидан маълумки, 1933 йилдаги сургуннинг асосий мақсадларидан бири Қозоғистон ерларини ўзлаштиришда махсус кўчкиндилар меҳнатидан фойдаланиш эди. Шу асосда махсус посёлкаларда уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари тузилган. Артеллар қўриқ ерларни ўзлаштириб, бўғдой экканлар. “Борган вақтимиздан онам, Низомиддин акам ва Зебо аям артелда ишлашган, – хотирлайди Абдупатто ота, – Ернинг поёни йўқ. Трактор бир чеккадан ҳайдаб кетаверади, чарчаган еридан қайтади. Ҳосил яхши бўлган. Чорва мол боқишга рухсат бўлган. Тезда бойиб кетганмиз. От, мол-қўйимиз кўпайиб кетган. Низомиддин акам бизни сургун қилишганда бу мол-давлатимизнинг учдан бирям йўқ эди, дердилар”.

“Христов деган комендант бўларди,– дейди Абдупатто ота сўзини давом эттириб. – Бошқаларини эслай олмасам ҳам, у эсимдан чиқмайди. Қаттиққўл одам эди. Ҳамма унинг айтганини қиларди. Тур деса турарди, ўтир деса ўтирарди. Ҳамманинг бошлиғи эди. Ҳа, Аристарх деб чақиришарди. Абдулҳамид акам билан мен мактабда ўқиганмиз. Ўрис мактабида ўқиганмиз. Ҳамма миллат бор эди. Туркман, тожик, қозоқ, жуда кўп миллат бор эди. Аммо энг кўпи ўрислар бўлган. Акам мактабни битириб ишлай бошлади. Ўрисчани билгани учун секин-секин чегара томонларга ишга бориб юриб, 1937 йилда қишлоққа қайтиб келди. Абдулҳамид акамдан кейин мен қишлоққа 1940 йилда қайтдим. Мактабда яхши ўқиганман. Ўрисчани яхши билвоганман. Мактабда 300-400 болани “строй” тургизиб, директор мени ўртага чиқариб, “миллатини айтиб беринглар” деса, ҳеч ким мени ўзбек демаган. Ўрисчани яхши билганман-да. Мени ё татар, ё бошқирд деб айтишган. Мактабни тугатиб трактрочиликка ўқидим. Артелга комбайн ҳайдашга чиқдим. 1940 йилда битта менга паспорт беришди. Ўшанда фамилиямни “Ҳамроалиев” деб эмас, “Ҳамроқулов” деб ёзишган экан. Шундан ҳаммамиз Ҳамроқуловлар бўп кетганмиз. Паспортни беришиб: “Сен СССРнинг ҳақиқий граждани бўлдинг, ҳамма ҳуқуқинг тикланди. Хоҳлаган ерингга боравер”, – дейишди. Шунда акам Низомиддин уйга, қишлоққа кетишимни маслаҳат берди. Мен унамасдан: “Сизларни ҳам олиб кетаман”, – дедим. Акам: “Бизни деб сен ҳам балога қолмагин, йўлда ҳужжат сўрашса, нима қиламиз, ҳеч бўлмаса биттамиз бўлса ҳам ўйга қайтганимиз ҳарна. Биз ҳам худо хоҳласа қайтиб қолармиз”, – дегандан сўнг қишлоққа қайтганман”.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги сиёсий жараёнлар “бой-қулоқ” сифатида сургун қилинганлардан аксариятининг ерга, туғилиб ўсган юртига муҳаббати ва ватан туйғуси кучли эканлигини кўрсатди. Россиялик қатағон тарихи бўйича йирик мутахассис Н.А.Ивницкийнинг гувоҳлик беришича, 1942 йилнинг ёзида Шимолий Кавказнинг немис-фашистлар босиб олган ҳудудларида ташкил қилинган комендатуралар томонидан қишлоқни бошқарувчи мансаблар таклиф қилинганида қулоқлар рад этганлари ҳолда, колхоз қурилиши фаоллари бажонидил қабул қилганлар. У қулоқларнинг ватанпарварлигию айрим фаолларнинг сотқинлигини ўшанда англаганлигини ўзининг йирик тадқиқотларида кўрсатиб ўтган[4;21]. ВКП(б) ва совет ҳукумати раҳбарлари 1946 йилдан бошлаб сургундагиларни аста-секин озод қилиш йўлини танлайди.

“Низомиддин қори акам, Зебохон келин аям, 16 ёшли Турсуной, 5 ёшли Турғуной, 2 ёшли Шоҳимардонларни олиб қишлоғимизга 1947 йилнинг ноябрида кириб келишган, – деб эслайди Абдупатто аканинг умр йўлдоши Ҳамида она. – Сургундан қайтган кундан 2 кун ўтиб Зебо келин аям бандачилик қилди. Кўришгани келганлар, азага келдилар. Чунки поездга чиқишдан олдин кўзи ёриган экан. Йўл азобига чидамаган раҳматли. Низомиддин акам кейин турмуш қилмади. Икки йилдан кейин у киши ҳам барча фарзандларини бизга қолдириб раҳматли бўлдилар. Турсуной, Турғуной, Шоҳимардонларни ўзимиз тарбиялаб, турмушга узатдик, уйли-жойли қилдик. Оллоҳга беадад шукур, ҳаммаси невара-чеварали бўлиб кетишди”.

Совет тоталитар режимининг қатағон азобларини тортган, аммо Ватанга, яшашга муҳаббати сўнмаган бу инсонлар узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун фидокорона меҳнат қилдилар, нафақат ўзларининг, балки, бешафқат давр қурбони бўлган акаларининг фарзандларини ҳам эл-юрт дарди учун ёниб яшайдиган инсонлар қилиб тарбияладилар. “Мен бу инсонларни отам ва онам ўрнида биламан, – дейди узоқ Қозоғистон тупроғида таваллуд топган Турғуной опа. – Чунки қишлоққа қайтганимизда 5 яшар қизча эдим. Опам билан ўзбекчани яхши билмасдик. Кўп нарсани эслай олмайман, лекин “куйиб қоламан” деб сандалга ўтирмаганларимиз хотирамда бор. Шу инсонлар бизни ўз тарбиясига олди. Илоҳим, умрлари узоқ, ризқлари улуғ бўлсин!

Баъзан, эрта ўтиб кетган ота-онам учун армон қиламан. Аммо, ота-оналаримиз каби бегуноҳ қурбон бўлганларнинг ҳурматини жойига қўяётган, уларнинг хотирасини эъзозлаётган инсонлар борлиги кўнглимга таскин беради. Шундай ёруғ кунларга етказган халқпарвар юртбошимиз борлигига шукр қиламан. Мустақиллик замонасида фарзандларим ўз бағримда, ўқимишли, олим инсонлар бўлиб етишганлиги, халқ хизматида юрганидан қувонаман”.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлат мустақилигини қўлга киритгандан сўнг, Президентимиз таъбири билан айтганда, “мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш”, “хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз”[1;97-98] бўлиб қолди.

Адабиётлар:

1.Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008

2.Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Документы и материалы. /под.ред. Д.Алимовой. Составители: Р.Шамсутдинов, Б.Расулов. – Т.: Шарқ, 2005.

3.История сталинского ГУЛАГА. Том 5.- М.: РОССПЭН, 2004

4. Шамсутдинов Р.Т. Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги ватандошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2005

Андижон Давлат университети,
2009 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор Р.Т.Шамсутдинов)